

УДК: 343.24 (045) (575.1)

**АФФЕКТ ҲОЛАТИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ
КВАЛИФИКАСИЯ ҚИЛИШДА “ОҒИР ҲАҚОРАТ”НИНГ ТАЪСИРИ**

Комил Баҳтиярович ҲАҚИМОВ

Юридик фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

hkb22@mail.ru

ORCID: 0000-0001-8598-179X

Аннотация

Мазкур мақолада Жиноят кодексининг 98-, 106-моддаларида назарда тутилган “кучли руҳий ҳаяжонланиш”, “оғир ҳақорат” баҳоловчи тушунчаларнинг мазмуни, унинг мезонлари ҳамда квалификация қилишдаги таъсири таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: “кучли руҳий ҳаяжонланиш”, “оғир ҳақорат”, квалификация, баҳолаш мезонлари.

**ВЛИЯНИЕ «ТЯЖКОГО ОСКОРБЛЕНИЯ» НА КВАЛИФИКАЦИЮ
ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЕННЫХ В СОСТОЯНИИ АФФЕКТА**

Комил Баҳтиярович ҲАҚИМОВ

доктор философии по (PhD) юридическим наукам

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

hkb22@mail.ru

Аннотация

В статье анализируется содержание оценочных понятий, как «сильное душевное волнение», «тяжкое оскорблечение», которое изложено в статьях 98 и 106 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, а также их влияние при квалификации преступлений, совершаемых в состоянии аффекта.

Ключевые слова: «сильное душевное волнение», «тяжкое оскорбление», квалификация, критерии оценки.

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш ва айборга адолатли жазо тайинлашда мавжуд жиноят қонуни нормаларини чуқур илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ечиш борасида таклифлар билдириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзида вазиятга боғлиқ равишда вужудга келиш характерини касб этувчи кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этилган жиноятларда айборнинг ўзига хос ижтимоий хавфлилик даражасининг инобатга олиниши муҳим аҳамиятга эга.

Гарчи кучли рухий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида шахснинг хулқатвори ўзи учун одатдагидек бўлмасада, унда айбдор шахсининг ўзига хос жиҳатлари ва аниқ социал-психологик сифатлари намоён бўлади.

Аффект (кучли рухий ҳаяжонланиш) ҳолатида содир этилган жиноятни қонун билан муҳофазаланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмиш сифатида эмас, балки жиноятни содир этишга олиб келувчи бир қанча сабабларга эга бўлган социал ҳодиса сифатида баҳолаганимизда, кўпчилик ҳолатларда айбдор ижтимоий хавфли қилмиш содир этишни тўғридан-тўғри мақсад қилмаганлигига ва уни ўзидаги вазиятга нисбатан салбий таъсирини тўхтатишга етарли даражада куч топа олмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Аффект ҳолатида пайдо бўлган низоли вазият кучли эмоционал энергияни ва жисмоний кучни бошқариш имкониятини чекловчи жараён билан бир вақтда юз беради ва у шахснинг психик жадаллигини тўсатдан ошириб юборувчи катализатор вазифасини ўтайди.

Кучли рухий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа вазиятга боғлиқ вужудга келадиган енгиллаштирувчи таркибли жиноятларни содир этувчи шахсларга қоида тариқасида барқарор жиноий малака этишмаслиги характерлидир. Қасддан одам ўлдириш жиноятини ўрганувчи олимлар орасида бир умумий фикр шаклланган: қасддан одам ўлдиришни аниқлаштирувчи жиҳат қотилнинг феъл-атвори, эмоционаллиги, яъни инсоннинг психикаси билан узвий боғлиқ.

Бундай вазиятда шахс жиноят содир этиш ҳақидаги қарорни бу қарор тўғрилигига амин бўлганлиги учун эмас, балки бу ҳолат ўз ҳаракатини тўғри танлашини қийинлаштирувчи шароитда юз берганлиги ва бу шахсга чуқур ўйланган қарор қабул қилиш имкониятини бермаслиги билан тавсифланади.

Аффект ҳолатидаги шахс хулқ-атвори импульсивлиги уни тўғри хулқатворни танлаш жараёнини қийинлаштириб юборади. Шу сабабли, хулқатворни танлаш жараёни ўйланмаган ҳолда юз беради, лекин бу ҳолат хулқатворни қўққисдан юз беришини англашмайди, бу вақтда ҳам индивид аниқ

бир социал назорат таъсири остида бўлади.

Индивиднинг шахсий фазилатларида тажовузкор хулқ-автор қўйидаги икки қўринишда намоён бўлади:

1. Етарли даражада ўзини-ўзи бошқариш қобилиятига эга бўлмаган шахс. Бундай шахслар кўпчилик томонидан ўрта меъёрда қабул қилинадиган ёки умуман эътибор ҳам қилинмайдиган вазиятларга ҳам тажовузкор жавоб беришга мойил бўлади. Бу каби ҳиссий бекарор шахсларда аффект кўпчилик ҳолатларда кутилмаган қўзғатувчи таъсирлар (кутилмагандаги қилинадиган тажовуз, ҳақорат қилиш ва бошқалар) натижасида юзага келади.

2. Ўзини-ўзи бошқариш қобилияти юқори бўлган шахслар ўзларининг тажовузкор хатти-ҳаракатларини боса олади, лекин алоҳида ҳолатларда улар ҳам ҳаддан ташқари тажовузкор ҳаракатларга қўл уруши мумкин. Бу шахсларни аффектни вужудга келишига нисбатан мойиллиги, аввало, ташқи ҳолат ёки вазиятга ва аффектни вужудга келишига хизмат қилувчи руҳий қийинчиликлар тўпланишига нисбатан пассив шаклдаги муносабати билан ажралиб туради. Узок муддатли руҳий тушкунлик ёки қийинчиликлар ҳолати мавжуд шароитларда аффект арзимаган сабаб туфайли ҳам вужудга келиши мумкин. Бу ҳар иккала турдаги шахсий фазилатларга эга бўлган шахслар аффект ҳолатида портлашга мойил бўлади. Улар бир-биридан аффектни қўзғатувчи вазиятларнинг ўзига хос характеристи билан фарқланади.

Агар жиноят субъекти – жиноят-хуқукий тушунча бўлса, жиноятчи шахси эса социал-биологик ва социал-психологик тушунча саналади. Жиноят субъекти ўзида шахс ижтимоий хавфли қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган белгиларни тавсифлайди. Жиноятчи шахси эса – жиноят субъектига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у ўзида жиноят субъекти тавсифлайдиган белгилар доирасидан четда қоладиган кенгроқ доирадаги белгиларни ва шахсни социал тавсифига оид хусусиятларни қамраб олади. Криминология фанида жиноятчи шахси деб, “шахс томонидан жиноят содир этилишига сабаб бўладиган ўзига хос ижтимоий-руҳий хусусиятларнинг мажмуаси” тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айрим моддаларида ижтимоий хавфли қилмишга жиноят-ҳуқуқий баҳо беришнинг зарурий белгиси сифатида айрим тушунчалар мустаҳкамланган бўлиб, бу тушунчалар баҳоловчи характери билан ажралиб туради. Ушбу зарурий белгиларни баҳолаш орқали ижтимоий хавфли қилмишни хавфлилик даражасини аниқлаш ва белгилаш мумкин. Бу каби баҳоловчи тушунчалар қаторига Жиноят кодекси 98-, 106-моддаларида назарда тутилган “кучли руҳий ҳаяжонланиш”, “оғир ҳақорат” баҳоловчи тушунчаларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Ушбу тушунчалар жамиятнинг аҳлоқий ва маънавий-маданий қадриятлари билан боғланган бўлиб, уларни баҳолашда ушбу қилмишлар содир этилган вақтдаги жамиятнинг умумий дунёқараши ва аҳлоқий онги даражасини инобатга олиш зарур.

ЖК 98-, 106-моддаларида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини вужудга келтирувчи жабрланувчининг ҳаракатлари доирасига бошқа объектив томон белгилари билан бирга “оғир ҳақорат” элементи ҳам киритилган бўлиб, у суд амалиётида ғайриқонуний зўрлик ҳаракатларига нисбатан камроқ даражада учрайди.

Қонун чиқарувчи томонидан белгилаб берилган оғир ҳақорат тушунчаси баҳоловчи категория саналади ва ҳар бир алоҳида вазиятда барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда аниқланиши талаб этилади. Чунки, Жиноят кодексида ҳақорат даражалари ҳақида ва унинг тавсифловчи жиҳатлари ҳусусида ҳеч қандай норма мавжуд эмас. Бу эса кўпчилик ҳолатларда қонунни татбиқ қилувчи орган олдида маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши табиий.

Ҳақоратни оғир ёки оғир эмаслиги иш ҳолатининг барча белгиларини хисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур. Шундай ҳақоратлар тоифасига ота-она, миллий ёки диний қадриятларга нисбатан содир этилган ҳақоратларни киритиш мумкин. Шу боис, ҳақорат даражасини аниқлашда айборнинг индивидуал ўзига хосликлари (ёши, ҳомиладорлиги, турли руҳий касалликларга чалинганлиги ва бошқалар) инобатга олиниши зарур [6].

Мазкур жиноят қонуни нормасини аниқ бир қилмишларга нисбатан татбиқ қилиш вақтида суд ва тергов органлари ушбу ҳолатларни инобатга олиш билан бирга, шахснинг индивидуал ўзига хосликларини ҳам баҳолаши даркор. Ҳақорат даражасини баҳолашда жамиятда қабул қилинган умум ахлоқий тамойилларга асосланган ҳолда, айбдорнинг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ҳақорат қилиш шахс устидан зўрлик ишлатиш орқали ёки ҳақоратомуз ҳаракатлар қилиш билан ифодаланиши ҳам мумкин.

Оғир ҳақорат деганда қоида тариқасида ахлоқ қоидаларига зид шаклда шахс шаъни ва қадр-қимматини қўпол равища камситиш тушунилади [7]. М.Х.Рустамбоевнинг фикрича “оғир ҳақорат деганда, физиологик аффект ҳолатини юзага келтириши мумкин бўлган гап-сўзлар ёки ҳаракатлар (шахснинг қадр-қимматини, ор-номуси, миллий туйғуларини қўпол равища таҳқирлаш ва ҳоказо) тушунилади” [3]. М.Усмоналиев, П.Бакуновлар эса оғир ҳақорат деганда – инсон шаънини камситувчи, қадр-қимматини ерга урувчи, қўпол равища камситувчи ҳаракатлар [5]ни тушунишади. Ҳақоратни оғир ёки енгиллигини баҳолашда иш ҳолатларини объектив ва субъектив нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳамда инобатга олиш талаб қилинади.

Тергов ва суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят содир этиш вақтида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигини белгилашда ҳақоратнинг характеристи ҳар доим ҳам тўғри аниқланмайди. Судлар баъзан ҳақоратни оғир бўлмаган деган нуқтаи назардан ҳаракатни аффект ҳолатида содир этилмаган, деб топиши ҳам мумкин.

Оғир ҳақорат тушунчasi талқинини икки гурухга ажратиб ўрганиш мумкин. Жиноят кодексининг 140-моддасида ҳақорат тушунчasi назарда тутилган бўлиб, лекин унда ҳақорат даражаларга бўлиб кўрсатилмаган. Бундан ташқари, ЖК 140-моддасида назарда тутилган ҳақорат тушунчасини ифодалашда қонун чиқарувчи беадаблик ёки уятсиз сўзлар ёрдамида амалга

ошириладиган ҳақоратни назарда тутади. Шу боис, оғир ҳақорат нима, унинг умумий ҳақоратдан ажратиб турувчи белгиларига нималарни киритиш мүмкин ва у суд-тергов органлари томонидан қандай аниқланади, деган ҳақли савол туғилади. Лекин, ушбу саволга жиноят қонуни нормаларидан жавоб топа олмаймиз, шу боис, ушбу саволга илмий-назарий адабиётларда билдирилган фикрлар орқали жавоб қидирамиз.

Ҳақорат даражасини аниқлашда олимлар ўртасида турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, бир гурух олимлар фикрича ҳақорат даражасини аниқлашни энг муҳим мезони бу айборнинг ўзи, яъни субъектив мезон саналади. Жумладан, А.Н.Красиковнинг таъкидлашича, оғир ҳақорат жиноят субъектининг ўз ички қабул қилиш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда тушунилиши даркор [1]. Бошқа муаллифлар эса ҳақорат даражасини ўрнатиш субъектга умуман боғлиқ бўлмаган объектив мезонлар билан ўлчаниши зарур, деган фикрларни илгари суришади [4]. Учинчи гурух олимларнинг фикрича эса, ҳақорат даражасини аниқлашда ҳам субъектив, ҳам объектив мезонларга суюниш керак.

Бизнингча, ҳақорат даражасини аниқлашда умумжамият эътироф этган аҳлоқий нормаларга суюнган ҳолда, шу билан бир вақтда субъектнинг индивидуал ўзига хос жиҳатларини (ҳомиладорлиги, жисмоний ва руҳий касал ҳолатда эканлиги ва бошқалар) инобатга олиниб ҳар бири алоҳида ҳолатларда суд томонидан баҳоланилиши керак.

Ушбу фикрга келишимизга сабаб шундаки, қўпчилик ҳолатларда аниқ бир вазиятларда оддийгина имо-ишора, сўз ёки ибора айбор томонидан ўз қадр-киммати ва инсоний туйғуларини таҳқирлаш сифатида қабул қилиниши мүмкин. Шу боис, фақатгина суд қонунга амал қилиб, ўз ҳуқуқий онгидан келиб чиқсан ҳолда айборни психологик ва индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда ҳақоратни оғир деб топиши мүмкин. Бу ҳолатда шуни унутмаслик керакки, ҳар бир алоҳида ҳудудда мавжуд аҳлоқий нормалар ўзига хослиги билан ажралиб туради ҳамда бир вилоятда ҳақоратомуз саналган гап ёки ибора бошқа бир вилоятда жамиятдаги оддий ҳулқ-атвор

саналashi ёхуд аксинча бўлиши мумкин.

Амалиётда жабрланувчига нисбатан қилинадиган ҳақоратлар одатда айборнинг шахсий хусусиятлари ёки унинг оиласига ёхуд энг қадрли бўлган инсонга қаратилган бўлади ва бу ҳақорат турли имо-ишоралар, ҳақоратомуз гаплар ёки атрофдагиларнинг кулгусига олиб келувчи қилиқлар орқали амалга оширилади. Бу билан ҳақорат қилувчи шахс субъектни жамиятдаги обрў-эътибори ёки оддийгина инсоний қадриялари ёки қизиқишлирини оёқ ости қиласиди. Шу боис, ҳақоратни инсон қадриятини ерга уриш деб баҳолаш мумкин. Қонунда белгиланганидек, ҳар қандай инсон қадр-қимматини камситиш жавобгарликка сабаб бўлиши керак.

Бироқ ҳар қандай хафа қиласидан сўзлар, ҳодисалар оғир ҳақорат деб топилиши мумкин эмас. Масалан, ишқий алоқаларни тўхтатиш, албатта ачинарли ҳол, аммо бу ҳақорат эмас; турмушга чиқишини рад этиш (дўст бўлиб қоламиз дейишлик) [3].

Лекин, Ю.М.Ткачевский фикрича, инсон қадриятини камситиш ҳаракатлари жамият учун ахлоқсиз шаклда ифодаланиши шарт эмас, бу ҳаракатлар оддийгина сўзлар ёки ишоралар билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Энг муҳими, субъект бу сўзлар ёки ишораларни қандай қабул қилганлигидадир [4]. Бизнингча, у қандай шаклда ифодаланишидан қатъий назар ҳақоратни фактик жиҳатдан мавжудлиги жавобгарликка сабаб бўлиши даркор.

Бизнингча, амалдаги Жиноят кодексининг фақатгина 98-, 106-моддаларидагина “оғир ҳақорат” тушунчаси ифодаланган бўлиб, бу ҳолатда мазкур тушунчани қандай тушуниш ёки ҳақоратни “оғир”лик даражасини аниқлашда қандай ёндашиш кераклиги хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорларида ҳам тушунтириш берилмаган.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунига назар соладиган бўлсак уларнинг айримларида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш жиноятлари диспозицияларида оғир ҳақорат тушунчаси билан бирга “таҳқирлаш, мазах қилиш” каби аффектни вужудга келтирувчи

омиллар ҳам назарда тутилган. Масалан, Россия Федерацииси ЖК 107-, 113-моддалари, Беларус Республикаси ЖК 31-, 141-, 150-моддалари, Арманистон Республикаси ЖК 105-, 114-моддалари диспозициясида жабрланувчи томонидан содир этилган оғир ҳақорат ёки мазах қилиш (таҳқирлаш), шунингдек бошқа қонунга хилоф ва (ёки) аҳлоққа зид ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида юзага келган кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолати ҳақида сўз боради.

Бизнингча, жабрланувчининг ҳаракатларида ҳақорат қилиш мавжудлигини аниқлаш учун, мазкур ҳақорат аффект ҳолатини келтириб чиқарган ёки чиқармаслигини аниқлаш талаб этилади.

Юқоридагилардан қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкинки, ғайриқонуний зўрлик, оғир ҳақорат, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар тушунчалари ҳақида илмий адабиётларда ва жиноят қонунида ягона ёндашув мавжуд эмаслиги сабабли бу масалада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори билан тушунтириш бериш зарур.

Бизнингча мазкур тушунтириш қуйидаги шаклда берилиши мақсадга мувофиқ: “Жиноят кодекси 98-, 106-моддаларида назарда тутилган жабрланувчи томонидан қилинган оғир ҳақорат деганда, аниқ бир вазиятда шахсда физиологик аффект ҳолатини вужудга келтириши мумкин бўлган шахснинг шаъни ва қадр-қимматини (қариндошларни, миллий ёки диний қарашларини ёки бошқа туйғуларни ҳақорат қилиш) беодоблик билан қасдан таҳқирлаш тушунилиши керак. Оғир ҳақорат оғзаки, ёзма, шунингдек турли жисмоний ҳаракатлар ёки турли имо-ишоралар ёрдамида амалга оширилиши мумкин”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Красиков А.Н. Ответственность за убийство по российскому уголовному праву. – Саратов: Саратовский унв., 1999. – 123 с.
2. Назаренко Г.В. Уголовно-релевантные психические состояния субъекта: дисс... докт. юрид. наук. – Москва: Институт государства и права РАН, 2001.

– 219 с.

3. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят хуқуқи курси. III том. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: “ИЛМ ЗИЁ”, 2011. – 312 б.
4. Ткачевский Ю. М. Уголовная ответственность за оскорбление // Законо-дательство, – 2000. № 1. – С.24-25
5. Усмоналиев М., Бакунов П. Жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш. – Тошкент: Адолат, 2007. – 58 б.
6. Уголовное право России: Учебник для вузов. В 2 т. Т. 2. Особенная часть. /Под ред. доктора юридических наук, профессора А.Н.Игнатова и доктора юридических наук, проф. Ю.А.Красикова. — Москва: НОРМА, 2000. — 816 с.
7. Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть: Учебник У. 26 /Под ред. д-ра юр. наук, проф. Л.В.Иногамовой-Хегай, д-ра юр. наук, проф. А.И.Рарога, д-ра юр. наук, проф. А.И.Чучаева. — Москва: ИНФРА-М: КОНТРАКТ, 2004. — 742 с.